

УДК:619.616.989.2.75

ҚУЁНЛАР ПАСТЕРЕЛЛЁЗИНИ ДАВОЛАШДА АНТИБИОТИКЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Набиева Н.А. - в.ф.ф.д.

Элмуродов Б.А. - илмий раҳбар, в.ф.д., профессор

Ветеринария илмий тадқиқот институти

Аннотация: Тадқиқотлар спонтан ва экспериментал пастереллёз бўлган қуёнларни антиботик билан даволаш самардорлиги бўйича олиб борилган. Тажрибада жами 249 бош қуёнлар танлаб олинган. Бунда лаборатория шароитида тажрибаларидан ўтган 4 та энг самарали антиботиклар танлаб олинган. Ушбу тадқиқотлар хўжаликлар ва лабораторияда мавжуд қуёнларда ўтказилган. Тадқиқотларда энг самарали Нитокс-200 антибиотик бўлиб, 92 фоизни ва Пенстреп-400 эса 85 % даволаш самарадорлиги аниқланган. Ўртача самарали Энтротим 5% антиботик бўлиб, 65 фоизни, паст даволаш самарани Биомицин ташкил қилиб, 40 % натижани қайд этган.

Калит сўзлар: Қуён, самарадорлик, антибиотик, пастереллёз, лаборатория, хўжалик, агар, диффуз, даволаш, мушак.

Долзарблиги: Бугунги кунда дунё мамлакатларида қуёнчилик хўжаликларини ривожлантириш, аҳолини сифатли, экологик тоза маҳсулотлар (гўшт, жун, мўйна) билан таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Қуёнчиликни ривожлантиришда турли инфекцион ва юқумсиз касалликлар тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан саналади. Жумладан, қуёнчилик хўжаликларида пастереллёз кўп учрайдиган касаллик бўлиб, паренхиматоз аъзоларда геморрагик яллиғланишлар ва септицемия симптомлари туфайли қуёнларни оммавий нобуд бўлиши билан тавсифланади. Пастереллёз кўзғатувчиси қуёнлар организмида жуда тез кўпаяди ва кўпинча қуёнларнинг бутун популяциясига тарқалади, «қуёнлар пастереллёзидан 50-60% касалланиб, 80-85% нобуд бўлиши кузатилган» [5; 10-12-с.] Шунга кўра қуёнлар пастереллёзига тезкор диагностикасини аниқлаш ва даволаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Қуёнчилик хўжаликларида касалликни бартараф қилиш бўйича бир қанча олимлар фикр билдирганлар жумладан, касалланган қуёнларни дарҳол антибиотик билан даволаш ва соғломларига касалликни олдини олиш мақсадида вакцинация қилиш самарали усул эканлигини айтганлар [1;75-76-с., 2; 35-36-с., 3; 189-191-с].

Антибатикларни қўллашдан олдин агарли диффуз усулда кўзғатувчининг сезгирлигини аниқлаш кераклиги, бунинг натижасида энг самарали антибиотикни танлаб қўлланилса қуёнлар пастереллёз касаллигини даволаш


самардорлиги юқори бўлиши бўйича таклиф берганлар [6; 187-190-р., 7; 167-171-р.].

Материал ва методлар Антибиотикларнинг самардорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги “Қуёнчилик, Наслчилик” агро фермасида 150 бош қуёнларни 75 бошдан 2 гуруҳга ва Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Икром Маҳмудовга қарашли “Шаввозсой” хўжалигидаги қуёнлардан 24 бош ҳамда Микробиология лабораториясидаги қуёнлардан 75 бош олиниб, жами 4 та тажриба гуруҳи 249 бош пастереллэз бўлган қуёнларда антибиотикларни даволаш самардорлиги ўрганилди. Қуёнлар пастереллэзини даволаш бўйича антибиотикларни танлашда Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Микробиология лабораториясида, диффуз усулда антиботикка сезувчанлиги ўрганилиб, даволашда қўлланилди [4; 42-б.].

Тадқиқот натижалари: Антиботикни қўллашдан олдин уни пастереллага сезувчанлиги лаборатория шароитида ўрганилди. Бунинг учун тўрт хил антибиотиклар танланди. Гўшт пептонли агарда (ГПА)да ўсган пастереллани бир кунлик культурасини, янги тайёрланган Петри ликопчасидаги қонли агар асоси озуқа муҳити юзасига 1 мл петли билан суртилди ва термостатга 20-40 дақиқа қуритилди ва антибиотик шимдирилган қоғозли дескларни устига 2 см оралик билан қўйилди. Антибиотиклар турлари Нитокс-200, Пенстреп-400, Биомицин, ва Энротим 5% лар, кейин ушбу экмани 16-18 соат 37 °С ҳароратдаги термостатга қўйилди.

Натижада биомицин препарати 15 ммдан паст натижани ташкил қилди, бу пастереллаларга сезгирлиги паст. Энротим 5 % антиботик 15 ммни ташкил қилди, пастереллага сезгирлиги паст. Нитокс-200 20-25 ммни натижани қайд этди сезгирлиги юқори эканлиги аниқланди. Пенстреп-400 антибиотик 18 ммни ташкил этди ўртача сезгирлиги аниқланди (1-расм).

Ушбу натижаларга асосланиб Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги 150 бош 1 ва 2 тажриба гуруҳ қуёнларига Нитокс-200 ҳамда Энротим 5% қўлланилди ва Жиззах вилояти Шаввозсой хўжаликдаги 24 бош қуёнларга Биомицин қўлланилди. 4-гуруҳ Микробиология лабораторияси вивариясидаги 75 бош қуёнларга Пенстреп-400 қўлланилди бунда жами олинган қуёнлар 249 бошни ташкил қилди. Илмий тадқиқотлар давомида “Қуёнчилик наслчик” хўжалигидаги 1-гуруҳ қуёнларга Нитокс-200 дан 0,2 мл 3 кун давомида кунига бир маҳалдан, 2-тажриба гуруҳдаги қуёнларга 5% ли Энротим антиботици 0,2 мл миқдорида 3 кун давомида мушак ичига қўлланилди.



1-расм. Антибиотик сизгирлиги Қонли агар асосида

3-гурухдаги Жиззах вилоятидаги Шаввозсой қуёнчилик фермер хўжалигидаги пастереллэз бўлган 24 бош қуёнларга биомицин 40-50 минг Халқаро бирликда мушак ичига қунига 2 марта, 3 кун давомида, 4-гурух Микробиология лабораториясидаги 75 бош қуёнларга Пенстреп-400, 0,2 мл микдорда 3 кун давомида қўллаб борилди. Даволаш давомида қуёнларнинг умумий ҳолати (тана ҳарорати, нафас олиши, юрак уриш ва антибиотик юборилган жой) текшириб борилди (1- жадвал).

1- жадвал

Қуёнлар пастереллэзини даволашда антибиотиклар таъсирини ўрганиш натижалари.

Гуруҳлар ва хўжаликлар номлари.		Қуёнлар бош сони	Антибиотиклар тури	Микдори	Натижа	Даволаш самарадорлиги (%)		
						ўлчов бирлиги (мл/минг)	кун	тирик
I-тажриба	“Қуёнчилик, Наслчилик” ф/х	75	Нитокс-200	0,2 мл		69	6	
II-тажриба	“Қуёнчилик, Наслчилик” ф/х	75	Энтротим 5%	0,2 мл		48	26	
III-тажриба	Шаввозсой ф/х	24	Биомицин	40-50 минг		10	14	
IV-тажриба	Микробиология лабораторияси	75	Пенстреп-400	0,2 мл		63	11	

Ушбу 1-жадвал натижаси таҳлилига кўра, Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 150 бош қуёнларни 2 гуруҳга 75 бошдан ажратиб, 1-тажриба гуруҳидаги 75 бош қуёнларга Нитокс-200 антиботиғи билан 3 кун давомида даволаш олиб борилди. Даволаш давомида 75 бош қуёндан 69 бош қуён соғломлаштирилди, 6 боши пастереллэздан нобуд бўлди. Самарадорлик 92 фоизни ташкил этди. 2-тажриба гуруҳидаги 75 бош қуёнларга 5% ли Энтротим қўлланилиб, даволаш самарадорлиғи ўртача 65% эканлиғи қайд этилди, унда 75 бош қуёнлардан 27 бош ўлди ва 48 бош тирик қолди.

Жиззах вилоятидаги Шаввозсой хўжалиғидаги 3-гуруҳ қуёнларга биомицин препарати сулфаниламид билан биргаликда эритма ҳолатида 40-50 минг Халқаро бирликда қўлланилганда, кунига 2 маҳалдан 3 кун даволанди. Бунда 24 бош қуёнлардан 10 боши даволанди, 14 боши ўлди. Бунинг самарадорлиғи 40 фоизни ташкил қилди.

Микробиология лабораториясидаги 4-гуруҳ 75 бош қуёнларга Пенстреп-400 дан 0,2 млдан 3 кун давомида қўлланилганда 64 бош қуён тўлиқ даволанди, 11 бош қуён пастереллэздан нобуд бўлди. Бунда Пенстреп-400 билан қуёнларнинг пастереллэзини даволаш самарадорлиғи 85 % эканлиғи аниқланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қуёнлар пастереллэз касаллиғига қарши курашишда асосан профилактик чора-тадбирлар юқори самарадорликка эга эканлиғи аниқланди.

Агарли диффуз усулда пастереллани антиботикларга сезғирлиғи натижасига кўра Нитокс-200 20-25 ммни, Пенстреп-400 антиботиғи 18 ммни ташкил этди, бунинг натижасида антиботикларни пастереллага сезғирлиғи юқори эканлиғи аниқланди.

Қуёнлар пастереллэзини даволашда Нитокс- 200 билан 72 соат оралик билан 0,2 мл қуёнларга қўлланилса даволаш 92 %, Пенстереп-400 антиботиғи 0,2 мл миқдорида 85% юқори самарадорлиғи қайд этилганлиғи аниқланди.

Қуёнлар пастереллэзини даволашда Энтротим 5% антиботик 65 % натижани қайд этиб, самарадорлиғи ўртача эканлиғи аниқланди.

Ушбу касалликни даволашда самарадорлиғи паст Биомицин ташкил қилиб,

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Бергхоф П.К. Мелкие домашний животные/ Москва «Аквариум»2006.–С. 75-76.
2. Максимов А.П. Зарубенко А.И “Приусадебное кролиководство” “Знание”. /Москва-1990. – С. 35-36.
3. Лалин Ю.А. Кролики Описание Разведение Уход/ Эффективное кролиководство учебник Краснодар: Куб, ГАУ, 2013.–С. 189-191.
4. Шопулатова З.Ж. Микробиология фанидан услубий қўлланма / Самарқанд 2009. – Б. 74.

5. Ятусевич А.И. Прудников В.С, Карасев Н.Ф, Николаенко М.Ф. «Заразные болезни пушных зверей» Монография Витебск -2008. С-10-12
6. Di Giacomina R.F., Deeb B.J., Bernard B.L., Klassen J.M., Chengappa M.M “Safety and efficacy of a streptomycin dependent live *Pasteurella multocida* vaccine in rabbits”// *Laboratory Animal Science* 37 (2):1987.– P. 187–190.
7. Fatma M. Mohamed., Marium F. Mansy., Abd-El-Twab M. Abd-Al-Jwad and Ahmed K.Hassan “Antibacterial Sensitivity and Detection of Virulence Associated Gene of *Pasteurella multocida* Isolated from Rabbits”// *Journal of World Poultry Research* 10(2S): Egypt 2020. – P. 165–171.
8. Elmurodov, B. A. (2002). Detection of mixed bacterial infections in calves. *Journal of Agriculture of Uzbekistan. Tashkent*, 3, 63.
9. Эльмуродов, Б. А. (2003). Смешанные инфекции телят. *Ветеринарная патология*, (2), 52-53.
10. Azamov, V., Elmurodov, B., Parmanov, J., & Abdalimov, S. (2004). Changes in the intestinal system in colibacillosis. In *Proceedings of the Third Republican Scientific-Practical Conference, Samarkand* (pp. 9-12).
11. Abdalimov, S. A., Parmanov, J. M., & Elmurodov, B. A. (2004). Sheep pasteurellosis//Third Res. II-Amal. konf. ma'r. Collection of texts.
12. Элмуродов, Б. А. (2005). Клинические изменения при смешанных бактериальных инфекциях птиц.
13. G'aniyev, I., & Elmurodov, B. A. (2008). Course and clinical signs of sheep pasteurellosis. In *Four. ilm.-amal. konf. ma'r. text collection. Samarkand* (pp. 94-96).
14. Duskulov, V. M., Elmurodov, B., & Meyliev, M. (2018). Highly profitable sector of beekeeping. *Veterinary Medicine*, 12.
14. Элмуродов, Б. А., Турдиев, А. К., & Набиева, Н. Куёнчилик укув кўлланма. *Самарканд-2018*, 72-73.
16. Эльмуродов, Б. А., Наврузов, Н., & Курбонов, Ф. (2019). Патологоанатомические изменения при смешанных бактериальных инфекциях птиц.
17. Эльмуродов, А., & Эльмуродов, Б. А. (2019). Содержание нуклеиновых кислот в стенках двенадцатиперстной кишки у каракульских овец различного возраста и в разные сезоны года.
18. Navruzov, N. I. The Role of Immunostimulants in the Prevention of Colibacillosis, Salmonellosis and Pasteurellosis in Calves. *International Journal on Integrated Education*, 3(8), 232-234.
19. Элмуродов, Б. А., & Эшбуриев, С. Б. (2021). ТОВУҚЛАРДА МИНЕРАЛЛАР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ. *ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА*, 1(1).
20. Муродов, Х., Элмуродов, Б., Шодиева, У., & Ахмедов, Б. (2021). Профилактика и лечение инфекционного ларинготрахеита птиц. *in Library*, 21(2).
21. Navruzov, N. I., Elmurodov, B. A., & Mamadullaev, G. K. (2021). THE ROLE OF CHITOSAN IN THE PATHOMORPHOLOGY AND IMMUNOPROPHYLAXIS OF COLIBACILLOSIS OF CALVES.

22. Ахмадалиева, Л. Х., Элмуродов, Б. А., & Орипов, А. О. (2021). ПРАВОВАЯ ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ ЖИВОТНЫХ И ЭКОСИСТЕМ В НИИ ВЕТЕРИНАРИИ. *ББК 40.0 П78*, 378.

23. Nabieva, N. A., Elmurodov, B. A., & Aktamov, U. B. (2022). Biochemical Changes in Blood in Rabbit *Pasteurella*'s. *Texas Journal of Medical Science*, 13, 115-118.

24. Elmurodov, B. A., Navruzov, N. I., & Kiyamova, Z. N. (2022). Intervention of Bacterial Diseases in Poultry. *INTERNATIONAL JOURNAL OF BIOLOGICAL ENGINEERING AND AGRICULTURE*, 1(4), 8-12.

25. Элмуродов, Б. (2022). Ветеринария илм-фанининг истикболлари ва соҳани ривожлантиришдаги муҳим вазифалар. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 462-464.

26. Элмуродов, Б., & Исмоилов, У. (2022). Молодняк животных в районах приаралья течение колибактериоза и сальмонеллеза. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(1), 233-235.

27. Элмуродов, Б., & Исмоилов, У. (2022). Текст научной работы на тему Течение колибактериоза и сальмонеллеза молодняка в Приаралье. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 307-309.

28. Эльмуродов, Б. (2022). Перспективы ветеринарии и важные задачи развития отрасли. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(1), 9-12.

29. Sh, N., Elmurodov, B. A., & Eshburiev, S. B. (2022). TUXUM YONALISHDAGI TOVUQLAR MAHSULDORLIGIGA NOVAMIX PREMIKSINING TASIRI. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 476-479.

30. Набиева, Н., Элмуродов, Б., & Сайдуллаев, А. (2022). Эпизотология пастереллиоза кроликов. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(1).

31. Hamraqulov, N. S. (2022). SYMPTOMS AND HEMATOLOGICAL INDICATORS OF CALCIUM AND PHOSPHORUS EXCHANGE DISORDERS IN CHICKEN IN EGGLAYING HENS. *Conferencea*, 92-94.

32. Султанова, И., & Элмуродов, Б. (2022). Течение и бактериологическое течение сальмонеллы у кроликов методы проверки. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 187-191.

33. Элмуродов, Б. А., Наврузов, Н. И., Набиева, Н. А., Ахмадалиева, Л. Х., & Киямова, З. Н. Инновационные вакцины для профилактики пастереллеза кроликов и других животных. In *Современные достижения в решении актуальных проблем агропромышленного комплекса: материалы международной научно-практической конференции, посвященной 100-летию Института экспериментальной ветеринарии им. СН Вышелесского (Минск, 15-16 сентября 2022 г.)* (pp. 282-284).

34. BA, Elmurodov, et al. "Pathomorphological Changes in Poultry Pasteurelliosis, Pullorosis and Colibacteriosis Diseases." (2023).
35. Aktamovich, E. B., Bakhtiyorovich, E. S., & Shokir, H. N. (2023). Prevention of Calcium Phosphorus Exchange Disorders in Chickens. *Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education*, 2(6), 222-228.
36. Мамадуллаев, Г. Х., Элмуродов, Б. А., Джураев, О. А., Джуракулов, О. К., & Файзиёв, У. М. (2023). РИФИЗОСТРЕП–НОВЫЙ КОМБИНИРОВАННЫЙ ПРЕПАРАТ ПРОТИВ МИКОБАКТЕРИЙ ТУБЕРКУЛЁЗА. *Эпизоотология Иммунобиология Фармакология Санитария*, (2), 52-57.
37. Navruzov, N. I., & Elmurodov, B. A. THE ROLE OF CHITOSAN SUCCINATE IN COLIBACILLOSIS OF CALVES AND THE EFFECT ON THE IMMUNE SYSTEM. *СБОРНИК ТЕЗИСОВ*, 50.
38. Nabieva, N. A., & Profissor, B. E. V. (2023). PATHOGISTOGRAM OF PASTEURELLOSIS OF RABBITS. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 3(01), 92-98.
39. Navruzov, N. I. (2024). THE EFFECT OF "THE ASSOCIATED GOA FORMOL VACCINE AGAINST COLIBACTERIOSIS AND SALMONELLOSIS OF CALF, LAMB AND PIG CHILDREN" ON THE BODY OF LAMBS.
40. Navruzov, N. I., Aktamov, U. B., & Sayfidinov, B. F. (2023). Chlamydiosis in sheep: immunological examination and pathomorphological changes.
41. Navruzov, N. I., Sayfidinov, B. F., & Aktamov, U. B. (2023). Determination of Immunobiological Reaction in Sheep Chlamydiosis.
42. Navruzov, N. I., Pulatov, F. S., Seralieva, I. D., Nabieva, N. A., Sultonova, I. Y., & Aktamov, U. B. (2022). The importance of chitozan succinat in lamb colibacteriosis. *money*, 15(1).
43. Navruzov, N. I. (2021). THE IMPORTANCE OF CHITOSAN SUCCINATE IN COLIBACTERIOSIS OF CALVES. In *АКТУАЛЬНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ* (pp. 60-64).
44. Navruzov, N. I. The Role of Immunostimulants in the Prevention of Colibacillosis, Salmonellosis and Pasteurellosis in Calves. *International Journal on Integrated Education*, 3(8), 232-234.
45. Газнакулов, Т. К., Орипов, А. О., Сафаров, А. А., Хушназаров, А. Х., Давлатов, Р. Б., Абдухакимов, Ш., & Мавланов, С. (2023). ХС Салимов, МК Бутаев, ЗЭ Рузиёв,–Биохафсизлик.
46. Davlatov, R. V., & Khushnazarov, A. K. (2024). Diagnosis and chemoprophylaxis of rabbit eymeriosis. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 480, p. 03020). EDP Sciences.